

# **РЕСПУБЛИКА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, УНИНГ**

## **АҲАМИЯТИ ВА МОҲИЯТИ**

**Чариев Абдукаюм Кадирович** — Терmez Давлат Университетининг

География кафедраси ўқитувчиси, Термиз, Ўзбекистон.

**Аннотация:** Сув — табиатнинг энг қимматбаҳо ресурсларидан бири бўлиб, биотизимдаги моддалар алмашинуви жараёнларида муҳим рол ўйнайди. Сув ҳар доим ва ҳар вақтда биотизимнинг муҳим қисмини ташкил этиб, инсонларнинг яшаш муҳити учун ажралмас бўлиб қолади. Суюқ ресурсларнинг оқилона фойдаланилиши, уни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий тадбирлар мамлакатимизда аҳамиятли рол ўйнайди. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш қонунлари, сувдан фойдаланиш турлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Сув ресурслари, сувдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сувнинг муҳофазаси, сувдан оқилона фойдаланиш, сув обьектлари, сувни тежаш, сув тизимлари, сув соҳасидаги қонунлар, ирригация, сувни ҳимоя қилиш, сув таъминоти, экологик муҳофаза, сув ресурсларини бошқариш.

## **USE OF WATER RESOURCES OF THE REPUBLIC, ITS IMPORTANCE AND ESSENCE.**

**Chariyev Abdukayum Kadirovich**

**teacher, Department of Geography,**

**Termez State University, Uzbekistan, Termez.**

**ABSTRACT:** Water is one of the most valuable resources in nature, playing a crucial role in biogeochemical processes. It is an integral part of the biosphere and a vital component of human living conditions. Rational use, conservation, and protection of water resources are of significant importance in Uzbekistan, and various laws and regulations are in place to manage water use.

This article provides detailed information about the use of water resources in Uzbekistan, water protection, and the importance of water management in agriculture.

**KEY WORDS:** Water resources, water usage, agriculture, environmental protection, water conservation, rational water use, water bodies, water saving, water systems, water legislation, irrigation, water protection, water supply, ecological protection, water resource management.

**АННОТАЦИЯ:** Вода — один из самых ценных ресурсов природы, играющий важную роль в биогеохимических процессах. Она всегда и в любое время составляет важную часть биосфера и является неотъемлемой частью условий жизни человека. Рациональное использование водных ресурсов, их сохранение и защита окружающей среды играют важную роль в Узбекистане. В статье приводится подробная информация о законодательных актах Узбекистана, касающихся использования водных ресурсов, охраны воды, а также об актуальных вопросах использования воды в сельском хозяйстве.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Водные ресурсы, использование воды, сельское хозяйство, охрана окружающей среды, защита воды, рациональное использование воды, водные объекты, экономия воды, водные системы, законы в области водных ресурсов, ирригация, защита воды, водоснабжение, экологическая защита, управление водными ресурсами.

Сув - табиатнинг қимматбаҳо ресурси бўлиб, биосферанинг мавжудлигини таъминловчи моддалар алмашиниши жарайонлари да муҳим рол ўйнайди. Сув ҳар доим ва ҳар вақтда биосферанинг муҳим қисмини ташкил этиб, инсонлар яшаш муҳитининг ажralmas қисми бўлиб қолади. Атроф-муҳитимизнинг мавжудлигини таъминлашда зарурий восита бўлиб, сайёрамиздаги бутун тирик организмларни, энг аввало, бутун инсониятни яшashi учун шароит яратади. Сувнинг саноат ва қишлоқ хўжалигидаги

аҳамияти бекиёсдир. Унинг майший эҳтиёжларни қондириш учун зарур восита эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Сув инсон организми, барча ўсимлик ва ҳайвонлар таркибини ташкил қиласди. Кўплаб тирик мавжудотлар учун яшаш муҳити вазифасини бажаради. Демак табиатда ва инсон ҳаётида сувнинг аҳамияти бекиёсдир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Сув ресурслари чекланган минтақамизда дехқончилик қилиш, мўл ва сифатли ҳосил олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини сиз, шу соҳанинг моҳир усталари жуда яхши биласиз. Шунинг учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар қўллаб-куватланиб, бунинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада бугунги кунда қарийиб 240 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинди”<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди: дарёлар, қўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан, ер ости сувлари ва музликлардан иборатdir. Давлатлараро дарёлар, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш хукуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини махаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар. Жамоат

<sup>1</sup> Mirziyoyev.Sh.M Rizq-ro'zimiz buniyodkori qishloq xo'jalik xodimlari mehnatini ulug'lash, soha rivojini yangi bosqichga ko'tarish asosiy vazifamizdir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Qishloq xo'jaligi xodimlari kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdag'i nutqi. <http://www.uzo.uz>

бирлашмалари, жамоалар ўз низомларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига қўмаклашадилар. Сувнинг ҳолатига таъсир ўтказадиган янги, таъмирланган иншоотлар ва бошқа обьектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишга тушириш, шунингдек янги технология жарайонлари ни жорий этиш чоғида аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган талабларини ҳамда майший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш шарти билан сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш лозим.

Бунда сув обьектларидан олинадиган ва шу обектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувни буғланиш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувнинг зарарли таъсирини олдини олишни, ерларни сув босиши хавфини имкон қадар камайтиришни, ерларни шўрланишдан, зах босищдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишини таъминловчи тадбирларни ўтказиш кўзда тутилади.

Сувдан фойдаланишнинг икки хил тури мавжуд:

1. сувдан умумий фойдаланиш: - сувнинг ҳолатига таъсир қиласиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай фойдаланиш.
2. сувдан маҳсус фойдаланиш: - иншоотларни ёки қурилмаларни қўлланиш йўли билан фойдаланиш.

Иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай туриб, аммо сувнинг ҳолатига таъсир қиласиган тарзда сув обьектларидан фойдаланиш ҳам айrim ҳолларда сувдан маҳсус фойдаланиш турига киритилиши мумкин. Сувдан умумий ва маҳсус фойдаланиш турларининг рўйхати қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, санитария назорати, геология ва минерал ресурслар органлари томонидан белгилаб қўйилади. Танҳо фойдаланмоқ учун сув обьектлари бериб қўйилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар - сувдан бирламчи фойдаланувчилар

хисобланиб, улар қишлоқ ва сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб, бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сувдан иккиласми фойдаланиш учун рухсат беришга хақлидирлар.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Allanov Q.A., Mustayev Q.R. O’rta Osiyo tog’ muzliklari va uni o’rganishning amaliy ahamiyati//O’zbekistonda geografiya fanining dolzarb masalalari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Termiz, 2020. – 36-39 b.
  2. Maxmatraimov Ch.E., Allanov Q.A., Choriyev A.Q. Surxondaryo viloyati iqtisodiy taraqqiyotiga ta’sir etuvchi ta’sir etuvchi ayrim muammolar va uni bartaraf etish masalalari//Yangilanayotgan O’zbekistonda geografiya: fan, ta’lim va innovatsiya. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2021. – 137-139 b.
  3. Alibekov L.A “O’rta Osiyo tabiiy geografiyasi” Samarqand 2006
  4. Alibekov L.A “Эколого-географические проблем Центральной Азии” Samarqand, 2010.
  5. Hasanov I.A, G’ulomov P.N “O’zbekiston tabiiy geografiyasi” Toshkent , 2003.
- Hasanov I.A , G’ulomov P.N “O’rta Osiyo tabiiy geografiyasi” Toshkent, 2002
6. Hikmatov F.X, Aytboyev D.P “Gidrologiya asoslari” Toshkent,2003
  7. Chub B.E “Iqlim o’zgarishi va uning O’zbekiston Respublikasi tabiiy-resurs potensialiga ta’siri” Toshkent, 2000
  - 8.Rafiqov A “Geoekologik muammolar ” Toshkent, “O’qituvchi”, 1997
  9. Allanov Q.A, Abdimo’marov B.O “Global iqlim o’zgarishi, uning oqibatlari va unga moslashish” Termiz, 2018
  10. Nizomov A, Nuganova A,Matnazarov A “O’zbekiston tog’ muzliklari” Toshkent, 2016.